

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**СУЯРОВ АКРАМ АМИРКУЛОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ОЛИНГАН ФЛАВОНОИД ВА  
ПОЛИСАХАРИД ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ВА  
ИММУНОМОДУЛЛОВЧИ ХОССАЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Суяров Акрам Амиркулович**

Маҳаллий хомашёдан олинган флавоноид ва полисахарид  
препаратларининг аллергияга қарши ва иммуномодуловчи  
хоссаларини баҳолаш..... 5

**Суяров Акрам Амиркулович**

Оценка противоаллергических и иммуномодулирующих свойств  
флавоноидов и полисахаридов из местного сырья ..... 27

**Suyarov Akram Amirculovich**

Assessment antiallergic and immunomodulant proterties flavonoides and  
polysaccharides from local primary material..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ  
List of published works..... 54

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**СУЯРОВ АКРАМ АМИРКУЛОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ОЛИНГАН ФЛАВОНОИД ВА  
ПОЛИСАХАРИД ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ АЛЛЕРГИЯГА ҚАРШИ ВА  
ИММУНОМОДУЛЛОВЧИ ХОССАЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.DSc/Tib209 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Батирбеков Акрам Анварович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ирсалиева Фатима Хуснутдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Юлдашев Илхом Рузиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шахмурова Гульнара Абдуллаевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Россия Федерацияси Федерал тиббий-биологик агентлиги Иммунология институти давлат илмий маркази (Россия)**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.30.08.2018.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: [immunologiya@qip.ru](mailto:immunologiya@qip.ru)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У. Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**З.С. Камалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг барча мамлакатларида охириги йилларда аллергия ва иммунопатологик касалликлар сонининг ўсиши кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...аллергия касалликлар ривожланган мамлакатлар аҳолисида 35% гача, ноқулай экологик минтақаларда эса 40-50% гача учрамоқда»<sup>1</sup>. Даволаш мақсадида қўлланилаётган замонавий аллергияга қарши ва иммуностроп препаратларнинг асосий қисми синтетик дори воситаларидир. Бу борада, «...хавфсиз, экологик тоза, ноҳўя таъсири йўқ ва қарамлик пайдо қилмайдиган табиий препаратларни яратишга эътибор кучаймоқда. Ушбу йўналишда фармакопепяли янги ўсимликлар турларини аниқлаш ва биологик фаол моддаларини ажратиб олиш ва улар асосида дори воситалари ишлаб чиқиш талаб қилинмоқда. Охириги ўн йилликда бундай ўсимлик турлари 11 тадан 30 тагача кўпайди<sup>2</sup>».

Бугунги кунда маҳаллий хомашёдан олинган биологик фаол моддалар асосидаги препаратларнинг аллергия ва иммунопатологик жараёнларига таъсирини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, иммуностроп препаратларнинг иммунитет кўрсаткичлари ва асаб тизими рецепторларига таъсирини аниқлаш; уч бўлакли ва сербаргли қорақиз ўти дамламасини аллергияга (анафилаксияга) қарши таъсирини аниқлаш; биологик фаол моддаларнинг тажрибавий ҳайвонлар аъзолари, хужайра ва хужайра ичи даражасида таъсир механизмини аниқлаш; *Salvia miltiorrhiza* ўсимлиги экстрактининг аъзолар кўчириб ўтказишда иммуносупрессив таъсирини аниқлаш; *Abies nephrolepsis* – оқ қарағайдан олинган эфир мойининг туберкулез ривожланишига қарши таъсирини аниқлаш; *Ferula sinkiangensis* сувли экстрактининг эндокрин тизим фаолиятига таъсирини аниқлаш; аллергияни даволашда ва организмнинг иммунологик реактивлигини тартибга солишда қўлланиладиган дори воситаларини амалиётга тадбиқ қилиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан маҳаллий хомашё асосида аллергияга қарши, иммунмодуловчи хусусиятли дори воситаларини яратиш ва амалиётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймастик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий доривор ўсимликлардан аллергияга қарши ва

<sup>1</sup>World Health Organization website, 2010.

<sup>2</sup>Қуркина А.В. Россия, 2012.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

иммунмодулловчи хусусиятли фаол моддаларни ажратиб олиш, улар асосида дори препаратларни яратиш орқали маҳаллий дори воситалари бозорини бойитиш, соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 16 сентябрдаги «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2595-сон, 2018 йил 11 майдаги «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3715-сон ва 2018 йил 5 июлдаги «Иммунология ва инсон геномикаси соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3838-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>**

Флавоноидлар ва полисахарид препаратларининг аллергияга қарши ва иммунмодулловчи таъсирини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Department of Pharmacology, Faculty of Pharmaceutical Sciences, Okayama University (Япония), School of Pharmacy, Xinxiang Medical University (Хитой), Department of Pharmacology, Faculty of Pharmacy, University of Seville (Испания), Faculty of Pharmacy, Kindai University, Higashiosaka City, Osaka (Япония), Graduate School of Medicine and Faculty of Medicine, The University of Tokyo (Япония), Institute of Chemistry Physical of the Polish Academy of Sciences (Полша), Medical University of Bialystok (Полша), Витебск давлат тиббиёт университети (Беларуссия), Башқиристон давлат тиббиёт университети (Россия), Харьков фармацевтика университети (Украина), Ўсимлик моддалари кимёси институти ва Иммунология ва инсон геномикаси институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда флавоноидлар ва полисахарид препаратларининг аллергияга қарши ва иммунмодулловчи таъсирини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: *Mentha piperita* ўсимлиги ажратмасининг гистаминга қарши таъсири аниқланган (Department of Pharmacology, Faculty of Pharmaceutical Sciences, Okayama University, Япония); Лютеолин-7-0-рутинозид флавоноиди аллергия

<sup>4</sup>[www.jstage.jst.go.jp](http://www.jstage.jst.go.jp), [www.ncbi.nlm.nih.gov](http://www.ncbi.nlm.nih.gov), [www.personal.us.es](http://www.personal.us.es), [www.kindai.ac.jp](http://www.kindai.ac.jp), [www.m.u-tokyo.ac.jp](http://www.m.u-tokyo.ac.jp), [www.ichf.edu.pl](http://www.ichf.edu.pl), [www.umb.edu.pl/en](http://www.umb.edu.pl/en), [www.vsmu.by](http://www.vsmu.by), [www.bashgmu.ru](http://www.bashgmu.ru), [www.education.ua](http://www.education.ua), [www.uzicps.uz](http://www.uzicps.uz), [www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)

ҳолатида IgE миқдорини камайтириши аниқланган (Department of Pharmacology, Gifu Pharmaceutical University, Япония); қорақиз ўти фаол фракциялари яллиғланиш жараёни медиаторларига қарши таъсири аниқланган (Витебск давлат тиббиёт университети, Беларусь); худудий ўсимлик дамламаларининг яллиғланишга қарши ва антиоксидант хусусиятлари аниқланган (Волгоград давлат тиббиёт университети, Россия; Medical University of Warsaw, Faculty of Pharmacy, Department of Physical Chemistry, Польша); Panax ginseng ўсимлигининг экстракти лимфа ҳужайралари пролиферациясини жадаллаштирувчи таъсири аниқланган (Россия давлат тиббиёт университети, Россия); Gnaphalium uliginosum ўсимлигидан олинган фаол модда юқори сезувчанликнинг секинлашган тури реакциясини пасайтириши аниқланган (Faculty of Pharmaceutical Sciences, Okayama University, Япония).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол моддаларини аллергия ва иммунопатологик ҳолатларга таъсирини баҳолаш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: иммуотроп препаратларнинг иммунитет кўрсаткичлари ва асаб тизими рецепторларига таъсирини аниқлаш; уч бўлакли ва сербаргли қорақиз ўти дамламасини аллергияга (анафилаксияга) қарши таъсирини аниқлаш; биологик фаол моддаларнинг тажрибавий ҳайвонлар аъзолари, ҳужайра ва ҳужайра ичи даражасида таъсир механизмини аниқлаш; *Salvia miltiorrhiza* ўсимлиги экстрактининг аъзолар кўчириб ўтказишда иммуносупрессив таъсирини аниқлаш; *Abies nephrolepsis* – оқ қарағайдан олинган эфир мойининг туберкулез ривожланишига қарши таъсирини аниқлаш; *Ferula sinkiangensis* сувли экстрактининг эндокрин тизим фаолиятига таъсирини аниқлаш; худудий шароитда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган дори воситаларини амалиётга тадбиқ қилиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўсимликлар организмга турли йўналишда таъсир кўрсатувчи биологик фаол препаратлар манбаси сифатида тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келади. Бугунги кунда жаҳон бозоридаги фармацевтик препаратларининг 40%и дан ортиғини фитопрепаратлар ташкил этади, чунки охириги йилларда уларга эҳтиёж катта бўлмоқда (Rates S.M., 2001). Бутун жаҳонда хавфсиз, экологик тоза, ноҳўя таъсири йўқ ва қарамлик пайдо қилмайдиган табиий препаратларни яратишга эътибор кучаймоқда (Гарник Т. П., 2012). ЖССТ прогнозига қараганда, яқин 10 йил ичида фитопрепаратларининг улуши дори воситалари умумий ҳажмининг 60%дан ортиғига тўғри келиши кутилмоқда (ЖССТ, 2010). Ҳозирда мамлакатимизда табиий (ўсимликлар) хомашё асосидаги аллергияга қарши ва иммунмодуловчи препаратлар яратиш қизғин паллага кирди.

Кейинги ўн йилликдаги тадқиқотлар натижаси тиббиёт амалиётида келиб чиқиши табиий бўлган доривор ва даволаш-профилактика воситаларидан фойдаланишга талабни ортиши, доривор субстанцияларини топиш ва тиббиётга тадбиқ қилишда янги замонавий ва самарадор технологияларни қўллаш долзарблигини кўрсатди. Бу борада республика худудида ўсувчи турли хил доривор ўсимликлардан олинадиган аллергияга

қарши ва иммунмодулловчи препаратларини яратиш муҳим долзарблик касб этади.

Халқ табобатида қорақиз ўти ўсимлиги аллергияга ва яллиғланишга қарши таъсири учун дамлама шаклида азалдан қўлланиланади (Busse W.W. et al., 1984; Ingolfssdottir K. et al., 1994; Тутельян А.В., 2004). Тажриба шароитида уч бўлакли ва сербаргли қорақиз ўти дамламасини аллергияга (анафилаксияга) қарши ва иммунстимулловчи таъсири аниқланган. Уч бўлакли қорақиз ўти дамламасининг аллергияга қарши хусусияти хориж препарати кромогликат натрийдан қолишмаслиги намоён бўлган (Корожан Н.В., 2016). Илмий тадқиқотлар натижасидан маълумки, қорақиз ўти таркибидаги фаол моддаларининг хусусиятлари етарлича очиб берилмаган.

Адабиётлар маълумотида қараганда, ўсимлик полисахаридлари иммунотроп (Мельникова Т.И. ва ҳаммуаллифлари, 1999; Сычев И.А., 2008; Во R. et al., 2016), флаваноидлари эса аллергияга қарши (Itoh K. et al., 2009; Тапака Т., 2014; Корожан Н.В., 2016) таъсир кўрсатади. Айнан юқорида санаб ўтилган фармакологик хусусиятлари олимлар эътиборини ўзига қаратмоқда ва янги доривор ўсимлик препаратларини яратишга ундамоқда (Кузьмина А.А., 2000; Куркина А.В., 2012).

Таркибида флавоноидлар ва полисахаридлар мавжуд бўлган ўсимликлар мамлакатимиз ва бутун дунё давлатлари тиббиётида ҳам кенг қўламдаги ва оммабоп доривор ўсимликлар гуруҳини ташкил этади (Юлдашев М.П., 2001; Пулатова Т.П., 2005). Охирги йилларда ўсимликларнинг флавоноидлар ва полисахаридлари миқдори бўйича стандартизация қилишга ўтилмоқда (Корулькин Д.Ю. ва ҳаммуаллифлар, 2007; Куркина А.В., 2012). Ҳозиргача, уч бўлакли қорақиз ўтидан ажратиб олинган флавоноидлар ва полисахаридларнинг аллергияга қарши ва иммунмодулловчи хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаган, шу билан бирга, ушбу моддалардан дори шакллари яратилмаган. Шундай қилиб, маҳаллий хомашёдан олинадиган флавоноидлар ва полисахаридлар асосида аллергияга қарши ва иммунмодулловчи хусусиятларга эга бўлган дори воситаларини яратиш муаммоси долзарб ва амалий жиҳатдан жуда муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А12-Т047 «Маҳаллий шароитда ўсадиган қорақиз ўти экстракти ва таркибидаги биологик фаол моддаларининг аллергияга қарши ва иммунитетни тикловчи хусусиятларини аниқлаш ҳамда биологик фаол қўшимча шаклида тадбиқ этиш» (2009-2011 йй.), ФА-А11-Т056 «Маҳаллий хомашё асосида олинган флавоноидлар туркумига мансуб янги дори воситасининг аллергик касалликларни даволашдаги самарадорлигини аниқлаш» (2012-2014 йй.) ва ФА-А11-Т013 «Маҳаллий хом ашёдан олинган полисахаридлар асосидаги янги иммунмодулловчи препаратининг дори шаклини клиник олди тадқиқотларидан ўтказиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёдан олинган флавоноидлар ва полисахаридлар препаратларининг аллергияга қарши ва иммунмодуллашчи таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

уч бўлакли қорақиз ўти флавоноидларининг аллергияга қарши таъсирини зиртек препарати билан қиёсий баҳолаш;

«Аллергодаф» препарати таблетка шаклининг аллергияга қарши ва захарлилик таъсирларини аниқлаш;

уч бўлакли қорақиз ўти полисахаридларининг иммунотроп таъсирини иммунал препарати билан қиёсий баҳолаш;

тажрибада «Иммунокор» препаратининг антитело ҳосил қилувчи хужайраларга, гематологик кўрсаткичларга ва периферик қон антителолари титрига таъсирини аниқлаш;

«Иммунокор» препаратининг нейтрофиллар фагоцитар фаоллигига, қон яратувчи ўзак хужайралари пролиферацияси ва секинлашган типдаги юқорисезувчанлик реакциясига таъсирини баҳолаш;

«Иммунокор»нинг иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида иммун тизим ҳолатига таъсирини аниқлаш;

«Иммунокор»нинг инсон патологик ҳолатлари *in vitro* тизимида хужайравий иммунитет кўрсаткичлари ва цитокинлар миқдорида таъсирини аниқлаш;

уч бўлакли қорақиз ўти полисахаридлари ва «Иммунокор» таблеткасининг ўткир ва сурункали захарлилигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 538 та оқ жайдари сичқонлар, 80 та оқ зотсиз каламушлар, 50 та денгиз чўчкачалари, 27 та қуёнлар, 30 нафар сурункали обструктив ўпка касалликли (СОЎК) беморлар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида инсон ва ҳайвонларнинг периферик қони, ҳайвонлар тимуси, суяк кўмиги, қора талоғи, лимфа тугунлари иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда аллергологик, иммунологик, гематологик, биокимёвий, токсикологик ва статистик усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий хомашёдан олинган флавоноидлар ва полисахаридларнинг аллергия жараёнида  $H_1$ - гистамин рецепторларини ўраб олиши ва иммунитет кўрсаткичларини мутаносиб равишда меъёрлаштириши аниқланган;

«Аллергодаф» препаратининг аллергияда гистаминга қарши таъсири исботланган;

«Иммунокор» препаратининг антитело ҳосил қилувчи хужайралар фаоллигини кучайтириши аниқланган;

«Иммунокор»нинг қон яратувчи хужайралар пролиферациясини кучайтириши, фагоцитоз жараёнини фаоллаштириши ва секинлашган типдаги юқори сезувчанлик реакциясини сустлаштириши аниқланган;

«Иммунокор» препаратининг ўткир токсик гепатит ҳолатида иммунитет кўрсаткичлари ўзгаришларига иммунмодуловчи таъсири аниқланган;

«Иммунокор» препарати *in vitro* тестида СОЎКли беморларнинг иммунокомпетент хужайраларини фаоллаштириши ҳамда цитокинлар миқдорини меъёрлаштириши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий шароитда ўсадиган уч бўлакли қорақиз ўтининг флавоноидларидан аллергияга қарши «Аллергодаф» препаратини ишлаб чиқишга асос яратилган;

Фармакология кўмитасидан «Аллергодаф» препаратини аллергияга қарши дори восита сифатида клиник синовдан ўтказишга рухсат олинган;

уч бўлакли қорақиз ўти полисахаридларидан иммунмодуловчи фаолликка эга бўлган «Иммунокор» препаратини ишлаб чиқишга асос яратилган;

маҳаллий хомашёдан олинган препаратларнинг *in vitro* тестида иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларида иммунокомпетент хужайралари ва цитокинларга таъсирини баҳолаш усули яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ҳайвонлар ва беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёдан олинган флавоноидлар ва полисахаридлар препаратларининг аллергияга қарши ва иммунмодуловчи таъсирини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Флавоноидлар ва полисахаридлар препаратларининг таъсир механизми аллергик реакция даражасини ва қондаги гистамин миқдорини камайтириши, иммунологик реактивликни кучайтириши; лейкоцитлар сони, суяк кўмиги ва лимфа тугунлари хужайралари сонини кўпайтириши; тимус, талоқ ва лимфа тугунлари вазнини ошириши; нейтрофиллар фагоцитар фаоллигини кучайтириши, қон яратувчи ўзак хужайралари пролиферациясини кучайтириши ва секинлашган типдаги юқори сезувчанлик реакциясини сустлаштириши имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, флавоноидлар йиғиндиси асосида зиртекдан қолишмайдиган аллергияга қарши «Аллергодаф» ва полисахаридлар йиғиндиси асосида эса, иммунал препаратидан қолишмайдиган иммунмодуловчи «Иммунокор» янги дори воситалари ишлаб чиқилган. Олинган натижалар импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳаллий фармакологик воситалар, яъни юқори самарадор,

захарли бўлмаган, арзон аллергияга қарши ва иммунмодуловчи препаратлар яратиш муаммоларини ҳал этиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашёдан олинган флавоноидлар ва полисахарид препаратларининг аллергияга қарши ва иммунмодуловчи таъсирини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Иммунитетни стимуловчи фаолликка эга бўлган дори воситасини олиш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 05482 05.09.2017 й.) ва Ўсимлик моддалари кимёси институтининг дори воситалари тажриба ишлаб чиқариш корхонаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 8н-з/43-сон маълумотномаси). Мазкур патент самарадорлиги жиҳатидан хориж аналогидан қолишмайдиган, импорт ўрнини босувчи, иммуностимуловчи фолликка эга ва мамлакатимиз бозорини маҳаллий хомашёсидан олинадиган зарарсиз арзон дори воситалари билан бойитишга имкон яратди;

«Уч бўлакли қорақиз ўтидан олинган «Иммунокор»нинг иммунмодуловчи восита сифатида қўллаш истиқболлари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 1 майдаги 8н-р/100-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма иккиламчи иммунтанқислик жараёнларида иммун тизими ҳолатини меъёрлаш учун хизмат қилган;

«Уч бўлакли қорақиз ўтидан олинган «Аллергодаф»нинг аллергияга қарши восита сифатида қўллаш истиқболлари» мавзусидаги услубий қўлланмаси тасдиқланган (Фармакология қўмитасининг 2014 йил 18 ноябрдаги 5-сонли баённомаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 1 майдаги 8н-р/101-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўз вақтида аллергияга қарши даволаш чора-тадбирларини амалга оширишга хизмат қилган;

маҳаллий хомашёдан олинадиган флавоноидлар ва полисахаридларнинг аллергияга қарши ва иммунмодуловчи хусусиятли, самарадорлиги жиҳатидан хориж аналогидан қолишмайдиган, импорт ўрнини босувчи дори воситаларини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Ўсимлик моддалари кимёси институтининг дори воситалари тажриба ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 8н-з/43-сон маълумотномаси). Тадбиқ этилган натижалар маҳаллий хомашёдан олинган, иммунстимуловчи фаолликка эга бўлган ўсимлик дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳаражатларини 20%га арзонлаштиришга, самарадорлигини эса, хориж аналогларидан 15-20%га юқори бўлишига ва ортиқча меҳнатни 3 марта қисқартиришга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, улардан 1 та ихтирога патент, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан 16 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Флавоноидлар ва полисахаридлар: олиш манбалари, физик-кимёвий ва биологик ҳоссалари»** деб номланган биринчи боби 4 та кичик боблардан иборат бўлиб, унда адабиётлар шарҳи баён қилинган. Унда уч бўлакли қорақиз ўтига урғу берилган ҳолда, турли ўсимликлардан ажратиб олинган флавоноидлар ва полисахаридларнинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектлари тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти тавсифи, қўйилган муаммоларни ҳал қилишни таъминловчи усуллар ва методологик ёндашувлар келтирилган. Тадқиқотлар 2009 йилдан 2017 йилгача олиб борилди.

Тажрибалар 300-400 гр вазнли денгиз чўчкачалари, тана вазни 150-190 гр бўлган оқ зотсиз каламушлар, 18-22 гр бўлган оқ жайдари сичқонлар ва 1,5-2 кг вазнли «Шиншилла» зотидаги қуёнларда олиб борилди. Ҳайвонлар стандартли виварий рационда сақланди. Барча манипуляциялар экспериментал ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларнинг муҳофазаси бўйича қабул қилинган Европа конвенцияси асосида олиб борилди (Страсбург, 1986).

Препаратларнинг ҳайвонлардаги тери аллергия реакцияси ўлчамларига ва қондаги гистамин миқдорига таъсирини ўрганиш тадқиқотлари денгиз чўчкаларида олиб борилди. Тажрибанинг бошланишида барча денгиз чўчкалари А.Д. Адо (1963) усулида сенсibiliзация қилинди. 12 кундан сўнг ҳайвонларга ўрганилаётган препаратларни per os 7 кун давомида юборилди.

Кейин эса J. Liska (1964) классик усулида тери аллергик синамаси ўтказилди ва тери аллергик реакциясининг ҳажмлари ўлчанди. Тери аллергик реакцияси ўлчангандан сўнг ҳайвонлар хлороформ наркози остида декапитация қилинди ва гистамин миқдорини аниқлаш учун қони олинди. Гистамин миқдори Л.Я. Прошина (1981) усулида аниқланди. Ушбу усул ортофталенли альдегид билан гистамин конденсацияси флюоресценцияловчи маҳсулотларнинг ҳосил бўлишига асосланган. Флюорофорнинг гистамин билан ҳосил бўлиши ишқорли муҳитда содир бўлади. Муаллиф усулига биноан гистаминнинг аниқланиши қоннинг битта намунасида «Биан-130» флюориметрида олиб борилади.

Иммунологик тадқиқотларда қўй эритроцитларининг (ҚЭ) тимусга қарам антигенидан фойдаланилди. ҚЭ билан иммунизацияланган сичқонлар талоғидаги антитело ҳосил қилувчи хужайралар (АХҚХ) сони N.K. Jerne ва A.A. Nordin (1963) бўйича талоқда бевосита локал гемолиз усулида аниқланди. Бундан ташқари, талоқдаги ядро сақловчи хужайралар (ТЯСХ) умумий сони ҳисобланди ва бундан келиб чиқиб, 1 млн. спленоцитга АХҚХ аниқланди. Иммунитетнинг марказий (тимус, суяк кўмиги) ва периферик (талоқ, лимфа тугунлар) аъзолари хужайраларининг умумий сони аниқланди. Бундан ташқари, иммунизацияланган ҳайвонлар периферик қонидаги ҚЭ га нисбатан антителолар титри ҳамда эритроцитлар ва лейкоцитлар сони аниқланди.

Иккиламчи иммунтанқислиги ҳолатини моделлаштириш.

1) Жисмоний толиқиш - жисмоний толиқтириш ҳолатини моделлаштириш учун ҳайвонлар сувда мажбуран суздирилди (Selye, 1960 усули бўйича «сузиш стресси» модели). Бунинг учун, сичқонлар 45 минут давомида сув тўлдирилган бакка жойлаштирилди. Ушбу шароитларда тадқиқ қилинаётган дори воситаларининг улар организмнинг иммун кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

2) Ўткир токсик гепатит (ЎТГ) сичқонларда гепатотроп захар - углерод тўрт хлор -  $CCl_4$  ёрдамида юзага келтирилди, у тери остига 3 кун мобайнида 20% ёғли эритмада 0,2 мл дан юборилди. Охири марта  $CCl_4$  юборилган куни сичқонлар ҚЭ билан иммунизация қилинди ва қорин пардаси ичига тадқиқ қилинаётган моддалар киритилди. 5 чи куни сичқонлар сўйилди ва иммунологик ҳамда гематологик кўрсаткичлари ўрганилди.

Нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини ўрганиш (НФФ) Э.И. Хасин ва ҳаммуалифлари (2005) томонидан ёритилган усул бўйича олиб борилди.

Эндоген колониялар қуйидаги усулда аниқланди. Сичқонлар сублетал (6,5 Гр) дозада нурлантирилди ва 9-куни сўйилиб, талоқ юзасидаги колониялар сони ўрганилди (Till, McCulloch, 1963).

Препаратларнинг хужайравий иммун жавобига таъсирини баҳолаш учун секинлашган турдаги юқори сезувчанлик (СТЮС) реакциясидан фойдаланилди (Петров Р.В. ҳаммуаллиф., 1984). СТЮС реакциясини юзага келтириш учун сичқонларнинг қорин пардаси ичига  $5 \times 10^6$  ҚЭ антигенининг сенсibiliзация чақирадиган миқдори юборилди. Сенсibiliзациядан кейинги 5-куни сичқонларга антигеннинг  $1 \times 10^8$  рухсат этилган миқдори 0,05

мл физиологик эритмада орқа оёғи дўмбоқ соҳасига юборилди. Қиёслаш мақсадида қарама-қарши томондаги орқа оёғининг шу соҳасига ўша ҳажмда физиологик эритма юборилди. Маҳаллий яллиғланиш реакцияси антигеннинг рухсат этилган миқдори юборилгандан 24 соат ўтгач баҳоланди. Бунинг учун, сичқонлар сўйилиб, орқа оёқлари болдир-товон бўғимидан кесиб олинди ва торсион тарозида тортилди. Тажриба ва назорат оёқлари орасидаги вазн тафовути бўйича яллиғланиш реакцияси индекси ҳисобланди.

Инсон лимфоцитлари фенотипини юклама тестида *in vitro* ўрганиш. Тадқиқот учун сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) билан оғриган беморларнинг касаллиги хуруж даврида олинган веноз қонидан фойдаланилди. Ўрганилаётган воситаларнинг иммунокомпетент хужайраларга таъсирини моноклонол антителолардан фойдаланиб, розетка ҳосил қилиш реакциясида аниқланди. Беморларнинг лимфоцитлари «Иммунокор» ҳамда иммунал билан параллел равишда, 1 соат давомида +37°C ли термостатда инкубация қилинди. Назорат намунасига физиологик эритма қўшилди. Бир соатдан сўнг CD3<sup>+</sup> (Т-лимфоцитлар), CD4<sup>+</sup> (Т-хелперлар), CD8<sup>+</sup> (цитотоксик Т-лимфоцитлар), CD20<sup>+</sup> (В-лимфоцитлар) ларни аниқлаш учун лимфоцитларга диагностика умум қўшилди ва кластерларнинг дифференциаллашишига тегишли бўлган моноклонол антителолардан фойдаланган ҳолда розетка ҳосил қилиш реакцияси ўтказилди.

Цитокинлар индукциясини ўрганиш учун СОЎК билан оғриган беморларда касалликнинг хуруж даврида периферик қони текширилди. Барча пробиркалар бир кундавомида +37°C ли термостатда инкубация қилинди. Бир кундан сўнг пробиркалар 15 дақиқа давомида 1500 айланма/дақиқа центрифугага қўйилди ва ажратиб олинган чўкма устки суюқлигидаги цитокинлар (ИЛ-2, ИЛ-4, ИЛ-10 ва ИФН-γ) иммунферментли таҳлил усулида ўрганилди.

Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар ҳамда интерферонлар миқдори «Вектор-Бест» (Россия, Новосибирск, 2016) тижорат тест-тизимидан фойдаланиб, иммунферментли таҳлил усулида аниқланди. Ушбу тест-тизимни қўллашдаги сезувчанлик усули - 2-30 пг/мл. Ҳар бир катакдаги оптик зичликни ўлчаш 450 нм тўлқин узунлигидаги микропланшет учун автоматик фотометрдан фойдаланиб ўтказилди.

Токсикологик тадқиқотлар умумқабул қилинган усулларда олиб борилди.

Морфологик тадқиқот учун ўпка, жигар, буйрак, талоқ, ошқозон ости беши, қалқонсимон беши, тимус, буйрак усти беши, ошқозон, ингичка ва йўғон ичак бўлақлари олиниб, 10% ли нейтрал формалин эритмасида 48 соат давомида фиксацияланди, сўнг 2-4 соат давомида оқар сувда ювилгач, ошиб борувчи концентрациядаги спиртда ва хлороформда сувсизлантирилиб, мумли парафин билан тўлдирилди. Парафин блокларидан умумий морфология учун гематоксилин ва эозин билан бўялган, 5-8 мкм қалинлигидаги гистологик қесимлар тайёрланди.

Препаратнинг юрак биоэлектрик фаоллигига таъсирини ўрганиш этаминол натрий (50 мг/кг қорин парда ичига) билан наркоз қилинган, оқ зотсиз эркак каламушларда олиб борилди. ЭКГ 50 мм/сония тезликдаги иккинчи стандарт уланишда ЭЛКАР-6 кардиографида ёзиб олинди.

Аллергияга қарши ва иммунмодуловчи воситаларни манбаси сифатида мураккабгулдошлар Asteraceae (Compositae) оиласига мансуб уч бўлакли қорақиз ўти (*Bidens tripartitae* L.) олинди. Ундан флаваноидлар ва полисахаридлар йиғиндиси ажратиб олинди. Полисахаридлар йиғиндиси лаборатория ва яримсаноат шароитида олинди.

Флаваноидлар асосида аллергияга қарши «Аллергодаф» 400 мг таблетка шаклидаги препарати олинди. Битта таблетканинг таркиби: фаол модда - курук қорақиз ўти экстракти (флаваноидлар йиғиндиси) - 0,4 г (ВФМ 42 Ўз–). Қўшимча моддалар: (кальция стеарат ТУ 6-09-42-33-76 етарли миқдорда; картошка крахмали ГОСТ 7699-78, «олий» ёки «экстра» навли) 0,5 г миқдордаги таблетка олингунча қўшилди.

Полисахаридлар асосида иммунмодуловчи препарат «Иммунокор» 100 мг таблетка кўринишида ишлаб чиқилди. Битта таблетканинг таркиби: фаол модда - Иммунокор курук экстракти (уч бўлакли қорақиз ўтининг полисахаридлар йиғиндиси) - 100 мг, (ВФМ 42 Ўз –). Қўшимча моддалар: (кальция стеарат ТУ 6-09-42-33-76; картошка крахмали ГОСТ 7699-78, «олий» ёки «экстра» навли, лактоза ОзDSt 49-63-95) 0,4 г миқдордаги таблетка олингунча қўшилди.

Уч бўлакли қорақиз ўтидан флаваноидлар ва полисахаридларни ажратиб олиш ҳамда «Аллергодаф» ва «Иммунокор» таблетка шаклидаги препаратларини ишлаб чиқиш, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ходимлари (к.ф.н., е.и.х. Абдуллаев Н.Д., к.ф.д. Раҳманбердиева Р.К., т.ф.н. Халилов Р.М., ф.ф.н. Мадрахимов Ш.Н., к.и.х. Котенко Л.Д.) билан ҳамкорликда олиб борилди.

Референс-препаратлари сифатида аллергияга қарши хориж препарати Зиртек (ЮСБ Фаршим С.А. да ишлаб чиқилган, Швейцария) ва ўсимликдан олинган хориж иммунмодуловчи препарати Иммунал (Лек, Словения) олинди.


Тадқиқот натижалари «Excel» стандарт дастурлари пакети ёрдамида статистик жиҳатдан қайта ишланди. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш мақсадида  $r$  корреляцияси коэффицентини қўллаб, шунингдек,  $t$  Стъудент ва Пирсон мезонлари ёрдамида унинг аҳамиятини текшириб корреляцион таҳлил ўтказилди.

Диссертациянинг «Уч бўлакли қорақиз ўтидан олинган флаваноидлар ва «Аллергодаф» препаратининг аллергияга қарши таъсири» деб номланган учинчи бобида уч бўлакли қорақиз ўти флаваноидларининг экспериментал аллергиядаги тери аллергия реакцияси ўлчамларига таъсирини ҳар хил миқдорларда қиёслаб баҳоланди (1-расм).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги денгиз чўчкачаларининг тери аллергия реакцияси ўлчамлари ўртача: энига  $18,3 \pm 1,12$  мм, бўйига  $17,0 \pm 1,13$  мм ни ташкил этди.

Тажриба гуруҳларидаги ҳайвонларда тери аллергия реакциясининг ўлчамлари уч бўлаккли қорақиз ўти флавоноидларини 10,0 мг/кг миқдорда рег ос юборилганда энига  $9,5 \pm 1,1$  мм ( $p < 0,001$ ), бўйига эса  $10,2 \pm 1,19$  мм гача ( $p < 0,01$ ); 20 мг/кг миқдорда юборилганда – энига  $7,5 \pm 0,7$  мм ( $p < 0,001$ ), бўйига  $7,5 \pm 0,4$  мм гача ( $p < 0,001$ ); 30 мг/кг миқдорда юборилганда – энига  $5,0 \pm 0,5$  мм ( $p < 0,001$ ) ва бўйига эса  $4,7 \pm 0,6$  мм гача ( $p < 0,001$ ) назорат гуруҳиникига нисбатан ишончли камайди.

Кўриниб турибдики, флавоноидлар турли (10, 20 ва 30 мг/кг) миқдорларда тери аллергия реакцияси ўлчамларини ишончли камайтирди. Айниқса, аллергияга қарши энг кўп самара флаваноидларнинг 30 мг/кг миқдорида намоён бўлди.



1-расм. Уч бўлаккли қорақиз ўти флавоноидларининг ҳар хил миқдорларда тери аллергия реакцияси ўлчамларига таъсири.

Флавоноидларни 30 мг/кг миқдорда юборилиб, аллергияга қарши фаоллиги хориж препарати зиртек билан солиштирилди. Натижалар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг тери алергик реакцияси ўлчамлари энига ўртача  $18,3 \pm 1,12$  мм, бўйига –  $17,0 \pm 1,13$  мм ни ташкил қилди (1-жадвал).

Тажриба гуруҳидаги, флавоноидлар юборилган ҳайвонларда тери алергик реакцияси ўлчамлари назорат гуруҳиникига нисбатан ишончли тарзда, энига  $5,0 \pm 0,5$  мм ( $p < 0,001$ ) ва бўйига эса  $4,7 \pm 0,6$  мм ( $p < 0,001$ ) гача камайди. Зиртек қабул қилган III гуруҳ ҳайвонларда ҳам тери алергик реакциялари ўлчамлари энига  $5,2 \pm 0,5$  ( $p < 0,001$ ), бўйига  $4,8 \pm 0,4$  мм ( $p < 0,001$ ) гача камайди.

Таъриба натижаларидан келиб чиқиб, шуни айтиш керакки, уч бўлакли қорақиз ўтининг флавоноидлари назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан тери аллергик реакцияси ўлчамларини сезиларли тарзда камайтирди ва самарадорлиги билан таниқли аллергияга қарши препарат зиртекдан қолишмади.


1-жадвал

Уч бўлакли қорақиз ўти флавоноидлари ва зиртек препаратининг денгиз чўчкачалари тери аллергик реакцияси ўлчамларига таъсири

Препаратлар	Тери аллергик реакциянинг ўлчамлари (мм)	
	энига (M±m)	бўйига (M±m)
Дистилланган сув	18,3±1,12	17,0±1,13
Флавоноидлар	5,0±0,5 (p<0,001)	4,7±0,6 (p>0,001)
Зиртек	5,2±0,5 (p<0,001)	4,8±0,4 (p<0,001)

Изоҳ: p<0,001 - дистилланган сувга нисбатан ишончлилик.

Экспериментал аллергияда уч бўлакли қорақиз ўти флавоноидларини турли миқдорларда гистаминга қарши таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борилди (2-расм).



2-расм. Уч бўлакли қорақиз ўти флавоноидларининг ҳар хил миқдорларда денгиз чўчкачаларининг қонидаги гистамин миқдорига таъсири

Натижалар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг қонидаги гистамин миқдори  $1,716 \pm 0,149$  мкмоль/л ни ташкил қилди. Уч

бўлакли қорақиз ўтининг флавоноидларини 10 мг/кг миқдорида юборилганда, гистамин миқдори  $0,982 \pm 0,110$  мкмоль/л гача ( $p < 0,01$ ), 20 мг/кг юборилганда -  $0,843 \pm 0,091$  мкмоль/л гача ( $p < 0,001$ ), 30 мг/кг юборилганда -  $0,722 \pm 0,046$  мкмоль/л гача ( $p < 0,001$ ) назорат гуруҳиникига нисбатан камайди.

Флавоноидлар барча миқдорлари сенсibiliзацияланган денгиз чўчкачалари қонидаги гистамин миқдорини назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайтирди. Флавоноидлар миқдорининг ошиши билан денгиз чўчкачаларининг қон зардобидаги гистамин миқдорини камайишга мойиллиги кузатилди.

Флавоноидларнинг (30 мг/кг миқдорда) гистаминга қарши фаоллигини зиртек препарати билан солиштирилди (2-жадвал).

Кўриниб турганидек, уч бўлакли қорақиз ўти флавоноидлари, сенсibiliзацияланган денгиз чўчкачаларининг қонидаги гистамин миқдорини ишончли камайтирди ва самарадорлиги бўйича антигистамин препарати – зиртектан қолишмади.

2-жадвал

Флавоноидлар ва зиртектинг денгиз чўчкачаларининг қонидаги гистамин миқдorigа таъсири

Препаратлар	Гистамин (мкмоль/л)
Дистилланган сув (n=6)	$1,716 \pm 0,149$
Флавоноидлар (n=6)	$0,722 \pm 0,046$ ( $p < 0,001$ )
Зиртек (n=6)	$0,775 \pm 0,050$ ( $p < 0,001$ )

Изох:  $p < 0,001$  белгиси – назорат гуруҳига нисбатан ишончилилик

Шундай қилиб, уч бўлакли қорақиз ўтидан флавоноидлари, экспериментал аллергияда яққол аллергияга қарши ва антигистамин самарадорлик кўрсатади ва ўзининг самарадорлиги бўйича хориж синтетик препарати зиртектан қолишмайди.


Ушбу субстанция (флавоноидлар) асосида «Аллергодаф» деб номланган дори воситасининг таблетка шаклини ишлаб чиқдик. «Аллергодаф» таблеткаси тажриба шароитида тери аллергия реакциясининг ўлчамларини ишончли камайтиради ва аллергияга қарши фаоллиги билан зиртек препаратидан қолишмайди (3-жадвал).

«Аллергодаф» таблеткаси сенсibiliзацияланган денгиз чўчкачалари қонидаги гистамин миқдорини ишончли камайтиради ва гистаминга қарши самарадорлиги билан зиртек препаратидан қолишмайди (3-расм).

«Аллергодаф» ва зиртек таблеткалари билан даволангандан кейинги денгиз чўчкачаларидаги тери аллергия реакциясининг ўлчамлари

Препаратлар	Тери аллергия реакциясининг ўлчамлари (мм)	
	энига (M±m)	бўйига (M±m)
Дистилланган сув (n=6)	19,0±0,6	17,8±0,8
«Аллергодаф» (n=6)	6,0±0,6 (p<0,001)	5,7±0,5 (p<0,001)
Зиртек (n=6)	5,8±0,6 (p<0,001)	5,5±0,6 (p<0,001)

Изоҳ: p<0,001 белгиси – назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик



3-расм. «Аллергодаф» ва зиртек таблеткаларининг денгиз чўчкачалари қонидаги гистамин миқдорига таъсири

ЎЗР ФА Ўсимлик моддалар кимёси институтининг фармакология ва токсикология бўлими ходимлари: т.ф.д., б.и.х. Джахангиров Ф.Н., т.ф.н., е.и.х. Режепов Ж., т.ф.н., кат.и.х. Зокирова Н.Б., к.и.х. Сохибова Н.Б. ва к.и.х. Азаматов А.А.лар билан ҳамкорликда «Аллергодаф» таблеткасининг ўткир ва сурункали заҳарлиликни аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказилди. «Аллергодаф» таблеткасини оқ сичқонлар ва каламушларга оғиз орқали юбориб, ўткир заҳарлилик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари, дори воситасининг IV ГОСТ 12-007-76 кам заҳарли моддалар гуруҳига тегишли эканлигини кўрсатди.

Морфологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «Аллергодаф» таблеткасини қабул қилган тажриба ҳайвонларида дистрофик, некро- ва яллиғланишли ўзгаришлар ҳамда ички аъзолари тузилиши бўйича ўзгаришларда тажриба ва назорат гуруҳлари орасидаги ишончли фарқлар аниқланмади. Тўқималарни ўрганишда қайд этилган тузилиш хусусиятлари, ички аъзолар мўътадил функционал фаолиятини акс этади.

Макро- ва микроскопик тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, «Аллергодаф» таблеткасини узоқ вақт давомида етарли катта миқдорларда юборилганда экспериментал ҳайвонларнинг аъзо ва тўқималарида сезиларли патологик ўзгаришлар кузатилмади.

«Аллергодаф» препаратининг юрак биоэлектрик фаоллигига таъсири ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, воситани ошқозон ичига 25-50-100-200 мг/кг миқдорларда юборилганда ЭКГ кўрсаткичларида (R-R, P-Q, QRS, S-T, Q-T ва P,R,T тишлари амплитудаларида) сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқармади. Вена ичига юбориш усулида воситанинг фақат 100 мг/кг миқдоридан бошлаб, дастлабки 15 минут давомида R тиши амплитудаси 20-30% га кўтарилди, P-Q, QRS, S-T, R-R интервалларига таъсири кузатилмади. Демак, восита юракнинг ўтказувчи тизими функциясига, юракнинг қисқариш частотасига жиддий таъсир кўрсатмайди ва миокард қисқарувчанлигини бироз оширади.

«Аллергодаф» таблеткасининг клиника олди тадқиқотларини ўрганиш (самарадорлиги ва хавфсизлиги) бўйича ҳужжатлар тўплами Фармакология кўмитасига тақдим этилиб, у ердан «Аллергодаф» таблеткасини аллергияга қарши дори воситаси сифатида клиник синовдан ўтказилишига рухсат олинди (5 – сонли баённома, 18.11.2014).

Диссертациянинг **«Уч бўлакли қорақиз ўти полисахаридлари ва «Иммунокор» таблеткасининг интакт ҳайвонларда иммунмодуловчи таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида тажрибада уч бўлакли қорақиз ўтидан лаборатория шароитида олинган полисахаридлари (1,8 мг/кг, 3,6 мг/кг, 7,2 мг/кг миқдорларда) ва иммунал препаратининг иммунмодуловчи фаоллигини қиёсий текшируви ўтказилди.

Полисахаридлар ҳар хил миқдорларда иммунизацияланган ҳайвонлар талоғидаги антитаналар ҳосил бўлишини назорат гуруҳига қараганда кучайтирди ва миқдорга боғлиқ иммунстимуловчи таъсир кўрсатди. Сичқонлар талоғидаги антитело ҳосил бўлиш жараёнида полисахаридларнинг 7,2 мг/кг миқдоридаги иммунстимуловчи таъсири иммунал препарати фаоллигидан юқори бўлди.

Уч бўлакли қорақиз ўти полисахаридларини ва иммунални иммунологик кўрсаткичларига ҳамда лимфоид аъзоларига таъсири қиёслаб баҳоланди.

Полисахаридларнинг иммунотроп хусусиятини ўрганиш учун, ҚЭ билан иммунизацияланган сичқонлар талоғидаги АХҚХни миқдорий аниқлаш тариқасида гуморал иммун жавобга таъсири баҳоланди. Полисахаридларнинг лимфоид аъзолар вазнига ва ҳужайраларига таъсирини баҳолаш ҚЭ билан

иммунизация қилингандан кейинги 5-куни ўтказилди. Уч бўлакли қорақиз ўтининг полисахаридлари талоқ вазнини ошириб, параллел равишда АХҚХ ҳамда иммунизацияланган ҳайвонлар талоғидаги ядро сақловчи хужайралар сонини назорат гуруҳига нисбатан кўпайтирди. Иммунал таъсирида талоқнинг вазниназорат гуруҳига нисбатан ишончсиз ошди. Талоқдаги АХҚХ ва ядро сақловчи хужайралар сони иммунал таъсирида мос равишда 2,2 ва 2,0 баробар кўпайди. Полисахаридлар таъсирида тимус оғирлиги ишончли ошган бўлса, иммунал препарати таъсирида эса ишончли олмади. Тимус хужайраларининг сони иккала препарат таъсирида ҳам назорат гуруҳига нисбатан ишончли ( $p < 0,001$ ) кўпайди.

Тадқиқот натижалари, ўрганилган воситаларнинг иммунмодулловчи фаоллигини, яъни уч бўлакли қорақиз ўти полисахаридлар иммуналга нисбатан бирмунча кўпроқ иммунстимулловчи фаолликка эга эканлигини кўрсатди.

Уч бўлакли қорақиз ўти полисахаридларини организмга турли йўллар билан юбориб, интакт сичқонлардаги иммунологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқот олиб борилди. Полисахаридларни ошқозон ва қорин парда ичига юборилганда, иммунизацияланган ҳайвонлар талоғидаги антитана ишлаб чиқарилишини назорат гуруҳига нисбатан ишончли кучайтирди. Иммунал ҳам АХҚХ ва 1 млн. тадаги ТЯСХ сонини назорат гуруҳига нисбатан ишончли оширди. Қорақиз ўти полисахаридларининг иммунстимулловчи таъсири ошқозон ичига юборилганда бирмунча кўпроқ намоён бўлди.

Кейинги тақиқотимиз уч бўлакли қорақиз ўтидан полисахаридлар йиғиндисини ярим саноат шароитида ажратиб олинган намуналарининг гуморал иммунитетга таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилди. Уч бўлакли қорақиз ўтидан ажратиб олинган полисахаридлари 5 та намунасининг иммунстимулловчи фаоллигини, ҚЭ - тимусга қарам антигенининг иммун жавобга таъсири бўйича ўргандик.

Олиш технологияси бўйича бешинчи намунасида субстанция чиқиши хомашё оғирлигига нисбатан 3,75% ташкил қилиб, қолган тўрталасидан устун бўлди. Уч бўлакли қорақиз ўтидан олинган полисахаридларининг ўрганилган 5 та намунаси ҳам ҚЭ га нисбатан бирламчи иммун жавобни кучайтирувчи таъсири намоён қилди. Ўзининг иммунстимулловчи фаоллиги билан 1, 2 ва 5-намуналар иммунал препаратидан устун бўлди. Энг юқори иммунстимулловчи фаоллик 5 чи намунада қайд этилди.

Полисахаридлар субстанциясининг 5-намунаси асосида шартли ном берилган «Иммунокор» таблеткаси шаклидаги препарат ишлаб чиқилди. «Иммунокор» таблеткаси ҳар хил (7,0; 14,0 ва 28,0 мг/кг) миқдорларда иммунизацияланган ҳайвонларнинг талоғида антитело ишлаб чиқарилишини ишончли равишда кучайтирди. «Иммунокор» таблеткаси 14 мг/кг миқдорда энг яққол иммунстимулловчи таъсир кўрсатиб, самарадорлиги жиҳатидан иммунал препаратидан устун бўлди.

